

Нафс офатлари (24-тавсия)



05:00 / 28.02.2017 7832

Нафс офатлари (24-тавсия)

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч марта: «Уч кишига Аллоҳ қиёмат куни гапирмайди, назар солмайди ва покламайди. Уларга аламли азоб бор», дедилар». «(Унда) булар ноумид бўлиб, зиёнда экан-да! Эй Аллоҳнинг Расули, улар ким?» дедим. «(Улар – кибрланиб) изорини судраб юрвчи, берганини миннат қилувчи, савдо молини ёлғон қасам билан ўтказувчилар», дедилар».

Бешовларидан фақат имом Бухорий ривоят қилмаган.

Абу Барза Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар учун энг қўрққаним – қоринларингиз ва фаржларингиз борасидаги тойдирувчи шахватлар, залолатга элтувчи фитналардир», дедилар».

Розийн ривоят қилган.

Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зулм қилишдан қўрқинглар! Чунки зулм – қиёмат кунининг зулматларидандир. Зиқналикдан қўрқинглар! Чунки зиқналик сизлардан олдингиларни ҳам ҳалок қилган, бир-бирининг қонини тўкишгача, ўзларига ҳаром бўлган нарсаларни ҳалол санашгача олиб борган», дедилар».

Имом Муслим ривоят қилган.

Изоҳ: Зулмкор одам қиёмат куни унинг йўлини ёритадиган солиҳ амаллардан маҳрум бўлиб, зулмат гирдобида қолиб кетади. Чунки Аллоҳ таоло Таҳрим сурасининг 8-оятида: **«У Кунда Аллоҳ Набийни ва у билан бирга бўлган иймон келтирганларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг тарафларида юриб борур»**, деган.

Жундуб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким сумъа қилса, Аллоҳ уни эшиттириб қўяди. Ким риё қилса, Аллоҳ уни кўрсатиб қўяди»**, дедилар».

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилишган.

Изоҳ: Риё – бирор амални одамлар кўрсин деб қилишдир. Сумъа – бирор амални одамлар эшитсин деб қилишдир. Шариат истилоҳида бундай амаллар кичик ширк ҳисобланади.

Ким бирор амални одамлар эшитсин деб қилса, Аллоҳ унинг нияти холис эмаслигини одамларга эшиттириб, шарманда қилади. Ким бирор амални одамлар кўрсин деб қилса, Аллоҳ унинг нияти холис эмаслигини одамларга кўрсатиб, айбларини очиб қўяди.

Ушбу ҳадислардан олинадиган фойдалар:

1. Уч тоифага Аллоҳ қиёмат куни гапирмайди, назар солмайди ва покламайди. Уларга аламли азоб бор. Улар – кибрланиб, изорини судраб юривчилар, берганини миннат қилувчилар, савдода молини ёлғон қасам

билан ўтказувчилардир.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларининг ҳаромдан ризқ ейишидан, шаҳватни ҳаром йўл билан қондиришидан ҳамда залолатга кетказувчи фитналардан энг кўп қўрққан эканлар.

3. Зулм қилишдан сақланиш керак, чунки зулм қиёмат кунининг зулматларидандир.

4. Зиқналикдан сақланиш керак, чунки зиқналик олдинги умматларни ҳалок қилган, бир-бирининг қонини тўкишгача, ўзлари учун ҳаром бўлган нарсаларни ҳалол санашгача олиб борган.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади